

Абдурашид АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент



Дастлабки тафсир мактаблари

Тафсир илми бир неча босқичларни босиб ўтгани тадқиқотларда ўрганилган. Илк ислом даврида тафсир илми ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб турди. Бу ҳам бўлса, Қуръонга оид шарҳларда Муҳаммад (с.а.в.)нинг тушунтириш беришлари билан кифояланилди. Бу давр ва саҳобийлар даврини Маҳмуд Хусайн Заҳабий ўз тадқиқотида «Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобийлар даврида тафсир» мавзуси остида бирлаштириб ёзган. Буни иккига ажратиб кўриб чиқиш ҳам мумкин. Биринчиси, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлик вақтларида саҳобийларнинг саволларига жавоб тарзида Қуръон оятлари ва сўзларига шарҳ беришлари. Бу ҳақда Ибн Халдун «Муқаддима» асарида шундай ёзади: «Набий (с.а.в.) саҳобийларга Қуръоннинг мужмалларини айтиб, носих ва мансухларини ажратиб, уларга ўргатар эдилар».

Маҳмуд Хусайн Заҳабий тафсир илmini бир неча босқичларни босиб ўтган илм сифатида Муҳаммад (с.а.в.)нинг Қуръонга оид шарҳлари ва изоҳларидан бошланганини «Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобийлар даврида тафсир» мавзусидаги тадқиқотида таъкидлаб ўтган¹.

Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарида: «Набий (с.а.в.) саҳобийларга Қуръоннинг мужмалларини айтиб, носих ва мансухларини ажратиб, уларга ўргатар эдилар», деб ёзилганини инобатга олган ҳолда, Қуръон оятларига Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобийлар учун шарҳ сифатида берган жавобларини бир даврга, у зотнинг вафотидан кейин саҳобийларнинг ўз билими ва ижтиҳодларига таяниб, оятлар ва ҳадисларнинг нозил бўлиши ҳамда келиб чиқиши сабабларини тушуниш даражалари ҳамда араб тилининг маънони ифодалашдаги кенг имкониятларига кўра Қуръонга шарҳ беришларини иккинчи даврга бўлиш мумкин.

Саҳобийлар иккинчи даврда Қуръонни шарҳлашда Қуръон, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобийларнинг иж-

¹ Муҳаммад Хусайн Заҳабий. Ат-Тафсир ва ал-муфасссирун. – Қоҳира: Мактаба ваҳаба, 2003. Ж. 1.

тиҳодлари, яҳудий ва насронийларнинг қадимги пайғамбарлар ҳақидаги қиссалари асос бўлган манбаларга таянганлар. Бу ўринда энг аввало Қуръон ва ҳадис, уларда шарҳ мавжуд бўлмаса, ўзларининг ижтиҳодларига мурожаат этишган.

Саҳобийлар томонидан Қуръондаги қисқа қиссаларни тафсир қилишда, батафсил шарҳлашда ва мазмунини кенг ифодалашда исломни қабул қилган яҳудий ва насроний олимларнинг шарҳларидан фойдаланиш ҳоллари мавжуд бўлиб, бу Қуръон тафсири янада бойитган.

Бундай саҳобийларнинг Қуръон нозил бўлган даврда яшаганлари улар томонидан қилинган тафсирларнинг ишончли деб тан олинишига сабабдир².

Дастлабки давр хусусиятларидан яна бири бу – аҳли китобларнинг исломга киришлари натижасида тафсир илмига бегона нарсаларнинг аста-секин кириб келганидир. Тобийларнинг шариат ҳукмларига алоқадор бўлмаган ҳолларда текширув ва танқидсиз нақлларни келтиришлари натижасида яҳудий ва насроний қиссалари тафсирда кенг истифода этила бошланган³.

Аҳли китоблардан исломни қабул қилган ва энг кўп ривоят қилганлардан: Абдуллоҳ ибн Салом, Каъбул-Аҳбор, Ваҳб ибн Мунаббихни келтириш мумкин.

Кўплаб саҳобийлар Қуръонга берган шарҳлари билан шуҳрат қозонганлар. Суютий ўзининг «Итқон»ида муфассир саҳобийларнинг исмларини келтирган бўлиб, уларнинг энг машҳур муфассирлари: Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Убай ибн Каъблар бўлиб, Ибн Аббос (ваф. 68/687 й.)

Макка мактабига, Убай ибн Каъб Мадина мактабига, Ибн Масъуд Ироқ мактабига асос солган.

Улардан ташқари Абу Бакр, Умар, Усмон, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр каби саҳобийлар ҳам машҳур муфассирлар сира-сидандир⁴.

Бу мактаблардан сабоқ олган тобиийларнинг аксарияти ўз мактаблари услубидан келиб чиқиб, ўзга мактаблар нуқтаи-назаридан катта фарқ қилмайдиган ихтилоф билан тафсир қилгани бизга маълум.

Тобийлар вақт ўтиши билан ўз тафсирларини араблардан бошқа халқларнинг исломга киришлари натижасида юзага келган масалаларга жавоб топиш мақсадида бойитиб бордилар. Бироқ ўшанда ҳам Қуръон тўлиқ шарҳланмаган, тарқоқ ҳолда оятларга берилган шарҳларгина мавжуд эди.

Кишилар томонидан тобиийларнинг Қуръонга шарҳлари ва уни қабул этишга муносабати турлича бўлгани учун баъзилар уларнинг сўзларини қабул қилган бўлса, бошқалари қабул қилишни маъқул кўрмаган бўлиб, бу ҳолни Абу Ханифа (р.а.) шундай изоҳлайди: «Пайғамбардан келган сўзни эҳтиром билан қабул этдик, саҳобийлардан келган сўзларни танлаб оламиз, тобиийларнинг сўзлари эса бизники кабидирлар».

Шунга кўра, тобиийларнинг тафсирдаги сўзларини қабул этиш кейинги давр олимлари учун мажбурий бўлмаган. Бироқ саҳобийлар ва тобиийларнинг ўзaro бирор шарҳ бўйича бир хил фикрда бўлишлари кейинги давр олимлари наздида қабул этилган. Шу каби илк уламоларнинг шарҳларида бир-бирларига хилофликдан кўра турлилик кузатилади.

² Ўша манба – Б. 42 – 44.

³ Заҳабий. Ат-Тафсир вал-муфассирун. 3 жилд. – Қоҳира: Мактаба ал-Ваҳба, 1995. – Б. 146 – 147.

⁴ Суютий. Итқон фи улумил-Қуръон. 2-ж. – Қоҳира: Дорул ҳадис, 2004. – Б. 175 – 178.

Макка тафсир мактаби ва унинг вакиллари

Ибн Аббос (р.а.) асос солган Макка тафсир мактаби вакилларида бири Мужоҳид ибн Жабр (21/642 й.) муҳаддислар наздида энг ишончли ровийлардандир. Бухорий ва Шофеъий унинг Қуръонга қилган шарҳларига таянганлар.

Ушбу мактабнинг бизга яна қуйидаги вакиллари маълум:

Ато ибн Абу Раббоҳ (114/732 йил вафот этган);

Абу Абдуллоҳ Икрима ибн Абдуллоҳ Барбарий Маданий (107/725 йили Мадинада вафот этган);

Абу Абдурахмон Товус ибн Кайсон (106/724 йилда вафот этган).

Ибн Аббос муфассирлар энг кўп мурожаат этадиган олим бўлиб, у асос солган мактаб тафсирда ақл ва нақлни биргаликда истифода этишга асосланган мактаб саналади. Шу билан бирга шогирдларидан Саид ибн Жубайр, Мужоҳид ва Икриманинг шарҳлари ҳам тафсир асарларидан кенг ўрин олган.

Мадина тафсир мактаби ва унинг вакиллари

Мадина тафсир мактабининг асосчиси Убай ибн Каъб бўлиб, Мадинадаги бошқа саҳобий муфассирлардан машҳурроқ эди. Тафсирга бағишланган асарларда унинг ривоятлари кам учраса-да, шогирдлари томонидан қилинган ривоятлар ва шарҳлар тафсир асарларида кўплаб истифода этилганини кузатиш мумкин.

Ушбу тафсир мактабига қуйидаги олимлар мансубдирлар:

Зайд ибн Аслам Абу Усома. Олтита ҳадис китобининг ишончли ровийлари-

дан, фақиҳ, муфассир. 130/747 йил вафот этган;

Абул-Олия Рафиъ ибн Михрон ар-Риёҳий. Али, Ибн Масъуд, Ибн Умар, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят қилган. Олти буюк муҳаддис уни ишончли ровий деб тан олган. 90/709 йил вафот этган;

Муҳаммад ибн Каъб Қуразий Абу Ҳамза. Олти буюк муҳаддиснинг ишончли ровийларидан, 108/726 йил вафот этган⁵.

Ироқ тафсир мактаби ва унинг вакиллари

Ироқ тафсир мактабига Абдуллоҳ ибн Масъуд асос солган. Ироқда фикҳ бўйича ижтиҳод ва раъй билан фикр юритиш кенг тус олган бўлиб, тафсир бўйича ҳам ижтиҳоддан фойдаланиш бошқаларга нисбатан кўпроқ кузатилган.

Ушбу мактаб вакиллари асосан қуйидаги олимлардир:

Алқама ибн Қайс Абу Шибл Куфий – олти ҳадис асарларининг ишончли ровийларидан. Масруқ Ибн Масъуднинг энг билимдон шогирдларидан. Олти буюк ҳадис асарларида унинг ривоятлари келтирилади. 61/702 йили вафот этган;

Омир Шаъбий Абу Амр. Куфа қозиси, фақиҳ. Кўплаб саҳобийлар билан замондош бўлган. Умар, Али, Ибн Масъуд ва бошқалардан ривоят қилган. Олти ҳадис асарларининг ишончли ровийларидан. Ўз раъйи билан тафсир қилишга журъат этмаган. 63/682 йил вафот этган;

Абу Саид Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан Басрий тобиийларнинг энг машҳур олимларидан, фақиҳ, ишончли ровий. Ҳасан ўз

⁵ Суютий. Таҳбир фи усулит тафсир / Фатҳий Абдулқодир Фари таҳрири остида. – Риёз: Дорул улум. 1982. – Б. 234 – 237.

тафсирида Аллоҳ ва унинг сифатларини тафсирлашда салаф уламолари йўлларига асосланади. Ақлга эркинлик бериб юбормайди. Ҳасан ўз ақлини оят ва тафсирларни тушунишга ишлатади. 104/722 йилда вафот этган;

Абул-Хаттоб Қатода ибн Даома араб шеърларини жуда яхши билган, тафсир қилишда ҳам ўз фикрини билдирган. 110/728 йилда вафот этган.

Саҳобий ва тобиийларнинг Қуръонга шарҳлари ҳадислар билан бир қаторда Мовароуннаҳр муфассирлари томонидан кенг истифода этилиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъудларнинг шарҳ ва ривоятлари таянч манбалардан бирига айланди. Шу тариқа тафсирнинг саҳобийлар даври VII – VIII аср бошларида ниҳоясига етди.

Тобийлар даврида тафсир

Саҳобийлардан кейин тобиий олимлар анъанавий тарзда Қуръоннинг ўзига, ҳадислар, саҳобийларнинг сўзларига ҳамда аҳли китобларнинг ривоятларига ҳамда ўз ижтиҳодларига таянганлар. Кейинги даврларда илк тобиийлар даврига хос бўлган ва китоб шаклига келтирилган шарҳлар кейинги давр олимлари учун ҳам асосий манбалардан бирига айланган.

Тафсирни китоб шаклига келтириш даврининг бошланиши умавийлар ҳукмронлигининг (661 – 749) охири аббосийлар халифалигининг (749 – 1258) бошига тўғри келади. Дастлаб ҳадислар таркибида ривоят қилиб борилган тафсирлар X асрга келиб алоҳида асар ва китоб шаклида пайдо бўлди. Бунда шакланган ўзига хос тартиб-қоидалар сира-сидан тобиийлардан кейинги даврда яшаганларнинг аждодлар тафсири сўз-

ларини жамлаш ва нақл этишга таянганини, ўз ўлкаларидаги тобиийлардан олган илмларини бошқа ўлкаларга қилган сафарлари давомида оширишга ҳаракат қилганлари, ровийлар зикр этилган ҳолларда уларнинг ишончлилиги текширилиб, ривоятлари истифода этилишига эътибор қилинганини санаб ўтиш мумкин.

X аср бошидан тафсир илми ҳадисдан алоҳида ажралиб мустақил илм сифатида шаклланди. Илк даврларда Қуръонга қилинган шарҳларнинг ҳақиқийлиги, софлигига эътибор қаратилган бўлса, кейинги даврларда ислом олимлари ҳар қандай шарҳларни жамлашга эътибор қаратдилар.

Ислом илмларининг жамланиши аввало Қуръонни китоб шаклига келтиришдан бошланган бўлса, кейинги даврларда исломга доир бошқа илмлар ҳам бу босқичга ўтди. VII асрда Қуръон китоб шаклига келтирилгач, суннани китоб шаклига келтириш аста-секинлик билан бошланди. Гарчи манбаларда баъзи саҳобийларнинг бир ёки бир нечта ҳадисларни ёзиб борганлари зикр этилган бўлса ҳам Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзларига мансуб ҳадисларнинг барчасини йиғиб, саҳиҳ ва носаҳиҳини ажратиб китоб таълиф этиш IX асрдан бошланди. Бундан илгари VIII асрда Пайғамбар (с.а.в.), саҳобий ва тобиийларнинг сўзлари аралаш ҳолда жамланган тўпламлар яратиш босқичи босиб ўтилди. Бу борада Молик ибн Анаснинг «Муватто» асари, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (118/736 – 181/798)нинг «Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик» асарини зикр этиб ўтиш ўринли. Уларнинг тўпламларида Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари билан бирга, саҳобий ва тобиийларнинг сўзлари ҳам жамланган. Тафсир ҳам бу даврларда ҳадислар, саҳобийлар ривоятлари таркибида,

тўпламларда бир бўлим сифатида қайд этиб борилди. Сўнг тафсир соҳаси такомиллашиб, йўналишлар бўлини бошланди, масалан: маъсур тафсир, раъй билан қилинган тафсир, фикҳий тафсир, тасаввуфий тафсир, фирқа ва оқимлар тафсирлари каби.

Тафсир илмида муаммолар ҳам мавжуд. Бу асосан Қуръонга шарҳ берилган ривоятлар орасида ишончсиз, тўқилганларининг мавжудлигида кўринади. Саҳобийлардан кейинги даврларда Ибн Аббос ва Али ибн Абу Толиб, Ибн Масъудларга нисбат берилган кўпчилик ривоятларнинг тўқиб чиқарилгани олимлар томонидан қайд этилган. Ибн Аббосдан ривоят қилинган Қуръон шарҳлари тафсир асарларида жуда кўпчиликни ташкил қилишига қарамасдан саҳиҳ ва ишончлиларининг 100 дан ошмаслиги айтилган. Тобийлар орасида Икриманинг ишончлилиги шубҳа остида қолган бўлиб, бошқа машҳур муфассир тобийлар ишончли ровийлар сифатида тан олинган. Табаъа тобийлар орасида Калбий, Муқотил ибн Сулаймон кабилар ривоят ва ровийлар ишончлилигини аниқловчи олимлар томонидан ҳадис ва унинг таркибида шаклланган Қуръон шарҳига оид ривоятларни тўқиб чиқарганлари қайд этилган. Шу билан бирга айтиш лозимки, умуман саҳобийларга нисбат берилган ривоятлар илмий жиҳатдан ўз қадрига эга, улар орасида тафаккур ва ижтиҳод натижаси сифати-

да юзага келган мустаҳкам шарҳлар бор. Фақат уларнинг саҳобийларга нисбат берилиши тўқиб чиқарилган. Балки бу мусулмонларнинг тафсирга оид сўзларнинг қадрини ошириш учун уларни саҳобийларга нисбат берган ҳолда уларга эътиборни қаратишга бўлган ҳаракатдан келиб чиққан дейиш мумкин.

Тафсир илми тарихи билан яқиндан танишар эканмиз, бу илмнинг авлоддан-авлодга дастлабки даврда оғзаки, кейинчалик ёзма тарзда етказиб берилганига гувоҳ бўламиз. Тафсир илми шаклланиш жараёнида турли динлар, диний оқимларнинг таъсири доирасида янги мавзулар остида Қуръон оятларини шарҳлаш эҳтиёжи туғилиб борган. Шунингдек, улавийлар ва аббосийлар даврида сиёсий ҳокимиятнинг олиб борган динга доир сиёсати, фалсафий асарларнинг араб тилига таржима қилиниши ҳам тафсир илмига таъсир этган бўлиб, бунда Қуръонни шарҳлашда турли рим-юнон фалсафий қарашларига муносабатнинг ҳам қамраб олинишига сабаб бўлган. Шундай қилиб, агар ҳозирги кунимизгача етиб келган дастлабки тафсир асарларидаги ишончсиз ривоятлар чиқариб ташланса, у ҳолда оятлар шарҳига оид Пайғамбар ва саҳобийлардан келган нақлий шарҳлардан кўра ижтиҳод ва раъйга асосланган шарҳлар кўпчилик қисмини ташкил қилиши маълум бўлади.